

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2024 йил ноябрь ойининг 5 куни, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Нурафшон шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида

Раислик қилувчи:- А.У.Нурматов

Судья ёрдамчиси А.А.Жураевнинг котиблигида, тарафлардан Нурафшон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси И.Саъдуллаев, ҳимоячи Т.Уринбоевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айб эълон қилинган Ахмедов Зиёдбек Рустам ўғлига оид 1-1121-2402/164-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Ахмедов	Зиёдбек	Рустам	ўғли
(Ahmedov	Ziyodbek	Rustam	o`gli

– 13.07.1997 йил Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, бир нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳар, Дегантепа маҳалла фуқаролар йиғини, Зарҳаёт кўчаси, 15-уйда яшаган, иш бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 06.08.2024 йилда олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларига ҳуқуқий баҳо бериб, жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, тарафларнинг музокарасини, ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Ахмедов Зиёдбек Рустам ўғли фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судининг 21.09.2021 йилдаги 2-1104-2102/4746-сонли ижро варақасига асосан, қарздор З.Р.Ахмедовдан ундирувчи М.Ф.Эргашеванинг фойдасига 17.08.2021 йилдан бошлаб тарафларнинг 30.07.2021 йилда туғилган Рустамов Бахтиёрбек Зиёдбек ўғли исмли вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун у вояга етгунга қадар жавобгарнинг ҳар ойдаги барча иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундирилиши белгиланган.

Бироқ, қарздор З.Р.Ахмедов ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, ҳеч қаерда ишламасдан, шунингдек Бюронинг Нурафшон шаҳар бўлими давлат ижрочилари томонидан бир неча мартаба расман огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан, 17.08.2021 йилдан 01.02.2024 йилга қадар, яъни икки ойдан ортиқ муддат мобайнида жами 30.235.975 сўм миқдордаги алимент маблағини ундирувчи М.Ф.Эргашеванинг фойдасига тўлашдан бўйин товлаб келганлиги сабабли 19.02.2024 йилда жиноят ишлари бўйича Нурафшон шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 47⁴-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, унга нисбатан 15 сутка маъмурий қамок жазоси тайинланган бўлса-да, у бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан,



шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин, икки ойдан ортиқ муддат мобайнида моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган фарзандини 01.02.2024 йилдан 01.08.2024 йилга қадар, яъни 6 ойдан ортиқ муддат мобайнида 7.750.222,5 сўм, жами 37.986.197,5 сўм миқдордаги алимент маблағини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Бюронинг Нурафшон шаҳар бўлими давлат ижрочиси Б.К.Мирзавалиевнинг 01.08.2024 йилдаги “Алимент қарзини ҳисоблаш тўғрисида”ги қарорига кўра, қарздор З.Р.Ахмедовнинг алиментдан бўлган қарзи жами 37.986.197,5 сўмни ташкил қилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи З.Ахмедов қилмиш жиноий ҳаракатларига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судининг 21.09.2021 йилдаги суд буйруғига кўра собиқ турмуш ўртоғи М.Эргашева фойдасига вояга етмаган фарзандини моддий таъминоти учун фарзанди вояга етгунига қадар ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа жами даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундириш белгилангани, алимент пулини тўламагани учун маъмурий жавобгарликка тортилгани, бироқ жазони ўтаб чиққанидан сўнг ҳам моддий томондан қийналгани ва ҳеч қаерда ишламагани сабабли алимент қарзларини тўлай олмагани, ҳозирда қилмишидан пушаймонда экани ҳақида кўрсатув бериб, унга нисбатан энгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Судланувчининг айби, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлигидан ташқари, иш бўйича сўроқ қилинган жабрланувчи М.Эргашеванинг суд буйруғига кўра, турмуш ўртоғи З.Ахмедовдан унинг фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзандини моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларидан 1/4 қисми миқдорида алимент ундирилиши белгилангани, З.Ахмедов алимент пулини тўламагани учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса-да алимент тўлашдан бўйин товлаб келаётганлигини, ҳозирги кунга қадар 37.986.197 сўм алимент пулларини тўламай келаётганини билдириб берган кўрсатуви билан;

Жабрланувчининг аризаси билан; давлат ижрочисининг расмий огоҳлантиришлари билан; тушунтириш хатлари билан; 19.02.2024 йилда жиноят ишлари бўйича Нурафшон шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 474-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилгани ҳақидаги қарор нусхаси билан, алимент қарздорлигини ҳисоблаш жадвали билан; шунингдек, жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланди.

Дастлабки тергов органи томонидан З.Ахмедовнинг моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган фарзандини моддий таъминлаш учун суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағларни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаганликдаги қилмиш жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, судланувчи З.Ахмедовга нисбатан жазо тайинлашда, ишдаги барча жазони оғирлаштирувчи ва энгиллаштирувчи ҳолатларини инобатга



олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, “судларнинг эътибори, жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозим” лиги, шу Қарорнинг 3-бандида “Жиноят Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги тўғрисидаги тушунтиришларидан келиб чиқиб, модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосан, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Ахмедов Зиёдбек Рустам ўғли (Axmedov Ziyodbek Rustam o`gli) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин ва унга ушбу модда билан 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони манзил колонияларда ўтатириш белгилансин.

Жазони ўташ муддати 09.10.2024 йилдан бошлаб ҳисоблансин.

Ахмедов Зиёдбек Рустам ўғлига нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Судланувчи Ахмедов Зиёдбек Рустам ўғлидан жабрланувчи Эргашева Махлиё Фурқат қизи фойдасига 37.986.197 сўм миқдорда алимент қарздорлиги ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, шу суд орқали апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида Тошкент вилоят судига шикоят бериши ёки протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:-
Аслига тўғри:-

(имзо)

А.У.Нурматов



Маъсул судья: Нурматов Алишер Уткирович



Ҳужжат имзоланган: Нурматов Алишер Уткирович, 05.11.2024

